

## Murojaat, yechim va natija

2019 йил 9 феврал куни Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан Фарғона шаҳар юридик коллежида шаҳар, туман ҳокимликларининг умумий бўлим мудирлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича масъул мутахассислари иштирокида “2018 йил давомида шаҳар, туман ҳокимликларида ҳужжатлар билан ишлаш, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқиш натижалари якуни ва 2019 йилда бу соҳадаги ишларнинг натижадорлигини ошириш” тўғрисида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги Девонхона бўлими мудирини М.Ахунжанованинг ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари ҳамда топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва 2019 йилда бу соҳадаги ишларнинг натижадорлигини ошириш тўғрисидаги, вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси Х.Умурзақов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси Фарғона вилояти ҳокимлиги ишчи гуруҳи раҳбари Ф.Хурсановларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан 2018 йил давомида вилоят ҳокимлигига келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқиш якунлари ва 2019 йил давомида мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича шаҳар, туман ҳокимликларининг соҳа бўйича мутахассисларининг йил якунлари бўйича ҳисоботлари эшитилди ва ҳокимликларида ҳужжатлар билан ишлаш, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқиш натижадорлигини янада ошириш мақсадида тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.



2019-02-09 20:58:36